

» ПРЕЗИДЕНТ ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШАДИ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

МИЛЛИЙ ТИББИЁТ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИ
ТОҚИМОНИСИНИ
ТАЪДИС



milliy

tiklanish

№ 10 (1159) 2022 йил
16 март, чоршанба



**БЕШ ЙИЛДА
МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТИМИЗ**

24 ФОИЗГА ОШДИ

**ТИНЧЛИК
5с ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ РАМЗИ**



«ҚОРА РҮЙХАТ» ДАН ЧИҚАРИЛГАН ОҚ ПАХТАМИЗ



«... Пахтамининг ранги оқ эди, лекин «қора» бўлиб юрди. Биз бунинг учун қанча қийналдик. Агар сиёсий ирода бўлмаганида шу нарсалар бўлармиди? Лекин бу – кураш. Кеча телевизорда кўрсатди, қадрига етган одам хурсанд бўлиб йиғлади. Миллатимизнинг қиймати бу».

4



Профессионал таълимга эътибор юқори

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Европа Иттифоқи ташаббуси билан 15 март куни «Профессионал таълим кўникмаларини ривожлантириш стратегияси ва сифатни таъминлаш асослари» мавзусида семинар ташкил этилди. Мазкур анжуман ЕИ томонидан молиялаштирилган – «Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ишга жойлашиш кўникмаларини ривожлантириш» грант лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда 21 та вазирлик ва идоралар масъуллари, тегишли тармоқ кенгашлари котиблари, халқаро экспертлар ҳамда лойиҳани амалга ошириш гуруҳи иштирок этди. Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилда касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашган профессионал таълим тизими ташкил этилди.

(Давоми 6-бетда)



ШХТ миллий координаторлари Бухорода йиғилди

Бухорода Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар миллий координаторлари кенгашининг (ШХТ МКК) навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Асосий йиғилиш ва муҳокамаларда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг уринбосари Владимир Норов, ташкилотга аъзо давлатлар миллий координаторлари ва ШХТнинг доимий органлари раҳбарлари қатнашди. Таъкидланганидек, 2021 йил сентябрь ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитида ушбу нуфузли ташкилотга 2021-2022 йилларда раислик қилиш Ўзбекистонга ўтиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Унда Президентимиз мамлакатимизнинг ШХТдаги раислигидаги устувор вазибаларини баён қилган.

(Давоми 6-бетда)



**ФОЖИАЛАР
МАКТАБДАН
БОШЛАНЯПТИМИ?**

5

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

ОЧКЎЗЛАР ПАЙИНИ ҚИРҚМОҚДА ВА... 2

3 **ДЕВОРНИНГ ҚУЛАШИДА ЁМҒИРНИ АЙБЛАМАЙЛИК**

6 **НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛГАНЛАРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ**

7 **ИСТИБДОД ҚУРБОНИ БЎЛГАН ИСТЕЪДОД...**

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗ ОБРЎСИНИ
САҚЛАБ ҚОЛА ОЛАДИМИ?**

3



Статистик маълумотларга қараганда, биргина 2021 йилда 10 мингдан ортиқ аул-траи спорт ҳодисалари содир этгн бўлиб, уларга 2 мингдан ортиқ фуқаро вафот этган, 9 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олган. Энг ачинарлиси, аул-транспорт ҳодисалари оқибатида 263 нафар бола вафот этган.

ТАҲЛИЛ

МАҲАЛЛА – ЁРУҒ ЮЗИМИЗ ВА ВИЖДОНИМИЗ

Кўзгусига айланиши шарт!



Назир САБИРОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутаты

Президентимиз томонидан илгари сурилган «Инсон қадрини таъминлаш ва аҳолининг ҳаётини яхшилашга қаратилган демократик ислохотлар аҳолимиз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда қонунчилик манфаатларини қадрият даражасига кўтаришга хизмат қилмоқда. Бунда маҳалла институтини тубдан такомиллаштириш йўлидаги ишлар муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Маҳаллалар ҳақида гапирганда, аввало, бугунга қадар маҳаллий ҳокимлик ва кенгашлар ҳамда маҳаллалар 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган қонунлар асосида ишлаётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун ҳам «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун бугунги ислохотлар талабига жавоб бермай қолди. Аини вазият маҳаллалар нуфузи, ресурс ва имкониятларини кўпайтириш, ҳодимларнинг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ваколатларини кенгайтириш заруратини тугдирмоқда.

Шу боис, 1 март куни Президентимизнинг «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда ушбу ҳужжат асосида «Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Айнан ушбу фармон билан маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилиб, вазирликнинг асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди. Шу билан бирга, нуруний ва кексаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳусусан, кекса авлод вакилларининг турмушини яхшилаш, узоқ умр даражасини ошириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш, моддий таъминотини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий ва молиявий саводхонлигини ошириш, энг асосийси, тизимли равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун зарур шароитларни яратиш бўйича вазифалар белгиланган.

Қарор билан вазирлик ташкилий тузилмаси, штат бирликлари, уларнинг вазифа ва функциялари, молиялаштириш манбалари ва тегишли низомиёш ишлаб чиқиши белгиланди. Эндиликда маҳалла раисининг ойлик иш ҳақи миқдори 2022 йил 1 майдан бошлаб унга бириктирилган хонадонлар сонига мутаносиб равишда белгиланади ҳамда уларнинг самардорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб 15 фоиз миқдорда моддий рағбатлантириш тўланадиган бўлди. Бу, ўз навбатида, маҳалла раислигига муносиб кадрлар танлашга хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳати, ҳужжатларда маҳалла раисининг нуфузини ошириш мақсадида уларга қўшимча ҳуқуқлар берилмоқда. Энг асосийси, вазирлик ва манфаатдор идоралар билан бирга ишларни бириктириш бўлиб, уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланди. «Маҳалла тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.



Фарҳодбек АШИМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутаты

ФОЖИАЛАР мактабдан бошланяптими?

Президентимиз 11 февраль кунги видеоселекторда Ўзбекистондаги йўл ҳаракати қоидалари эскирганини таъкидлаб, уларни халқаро стандартлар асосида, мутахассислар ва ҳайдовчилар фикрини ўрганган ҳолда янгиланган бўйича топшириқлар берган эдилар.



Жумладан, бундан буён ушбу соҳадаги барча қонунчилик ҳужжатлари ва уларга қўйилган амал қилмаслиги оқибатида депутатлар, экспертлар ва жамоатчилик билан бамаънаҳад ишлаб чиқиши таъкидланган эди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, йўл-транспорт ҳодисаларининг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги, 10 фоизи тажрибасизлиги, 25 фоизи йўл ҳолати ва инфра-тартибнинг талабига жавоб бермаслиги, 20 фоизи эса пиедаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида содир бўлмоқда. Шу боис, 2022 йилда барча ҳудудларда «Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиеда» умуммиллий дастурини амалга ошириш белгиланди.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ушбу соҳада олиб борган таҳлиллари 2021 йилда аниқланган 7,7 миллион ҳуқуқбузарликнинг 46 фоизи кўпол қоидабузарликлар эканини кўрсатмоқда. Маълум қолдики, автотранспорт вазирлигининг бошқаруви эса 66 минг ҳолатда қайд этилган.

Статистик маълумотларга қараганда, биргина 2021 йилда 10 мингдан ортиқ йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, уларда 2 мингдан ортиқ фуқаро вафот этган, 9 мингдан ортиқ киши турли даражада тан жароҳати олган. Энг ачинарлиси, йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 263 нафар бола вафот этган.

Юртимизга Наврўз ташриф буюрмоқда. Наврўз ҳар галгидек ҳар бир хонадон, жонажон Ўзбекистонимизга тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик, бахту саодат ва файзу барака олиб келмоқда.

Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилган.

Амр Темур

Турсиной МУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ РАМЗИ



